



## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

**Б.Т.Даминов**  
**ТошПТИ ректори,**  
**Халқ депутатлари**  
**Тошкент шаҳар кенгаши**  
**депутати**

Юртимизда Мустақиллик байрами ва билимлар куни кетма-кет келишининг ҳам рамзий маъноси бор. Хусусан, билимли ва рақобатбардош кадрлар, истеъодлар, ўз ишининг мохир усталари изланувчан ва интилувчан инсонлар ўз юртининг мустақиллигини мустаҳкамлаб, уни дунё ҳамжамиятида энг илғор давлатлар қаторидан жой олишини таъмилашига шак-шубҳа йўқ.

Бундай кадрлар етиштиришда эса таълим сифатининг аҳамияти ниҳоятда катта.

Янги ўқув йилини бошлаш арафасида айни шу йўналишда қандай ишлар амалга оширилиши керак?

Маълумки, янги ўқув йилида бир қанча таълим йўналишлари ва мутахассисликлар очилади.

Бу, аввало, Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети билан халқаро қўшма дастур асосида янги фаолият юритувчи бакалаврият бўйича Педиатрия иши ва Даволаш иши, ординатура бўйича эса неврология йўналиши. Шунингдек институтимиз магистратурасида аллергология ва иммунология, неврология, болалар гастроэнтерологияси, болалар неврологияси, болалар пульмонологияси каби мутахассисликлар, аллергология ва иммунология, нефрология, пульмонология, болалар неврологияси каби клиник ординатура йўналишлари иш бошлади.

Шиддатли инновациялар даврида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда профессор ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик компетентлиги билан биргаликда унинг илмий ва

инновацион фаолияти юқори даражалиги муҳим аҳамиятга эга.

2019–2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида «талабанинг ўзлаштириш даражаси – профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони» тамойили жорий қилинади. Тамойилга кўра талабаларига жавоб бермайдиган профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган чоралар кўрилади.

Бунда талабалар билимини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли (автоматлаштирилган, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат ва ҳ.к.) усулларини, шу жумладан муайян фандан дарс берган педагогнинг якуний назорат жараёнларидаги иштирокини истисно этадиган тизимни жорий этилади.

Шунингдек, 2019–2020 ўқув йилидан бошлаб профессор-ўқитувчиларнинг портфолиосини шакллантириш, амалий машғулотлар, семинарлар ва маърузаларда илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда янги, замонавий ўқитиш технологиялари жорий этиш ишлари амалга оширилади.

Маълумки, 2020–2021 ўқув йилидан тиббиёт кадрларини тайёрлашда узлуксиз касбий таълим жараёнларига ўқитишнинг кредит-модул тизими жорий этилади. Бу ўқув йилида эса ушбу тизимга ўтишга тайёргарлик жадал олиб борилади.

Таълим сифатини таъминловчи асосий тамойиллардан яна бири бу ўқув-услубий таъминот ва инфратузилма. Маълумки, ҳозирги кунда институтимизнинг асосий биносида капитал реконструкция таъмирлаш ишлари жадал суратлар билан олиб борилмоқда, янги авлод ўқув адабаиётларини яратиш устида ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Олий таълим муассасаларининг фаолияти самардорлигига баҳо беришда ўқув жараёнига юқо-

ри малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг кенг жалб қилиниши инobatга олиб келинмоқда.

Йилдан-йилга хорижий ҳамкорлик соҳасида ҳам ишларимиз самардор бўлиб бормоқда. Бу йил ҳам хорижда малака оширадиган педагоглар ва таълим жараёнига жалб этиладиган хорижий мутахассислар сонини кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз. Институтимизда халқаро факультетнинг очилиши ва янги халқаро журнал ташкил этилиши бу йўналишдаги салмоқли ишлардан саналади.

Юртимизда маънавият соҳасини тубдан янги босқичга кўтаришни мақсад қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та ташаббусни институтда ва жойларда кенг тарғиб этиш ҳамда амалга ошириш бўйича 2019–2020 ўқув йили ёзги амалиёт даврида ташкил этилган «Валантёрлик ҳаракати» фаолиятини давом эттириш, факультетлар кесимида ўтказиладиган танлов ва мусобақаларнинг финал босқичи сифатида, ўз ичига «Ижодий» ва «Спорт» йўналишларини олган «Талабалар баҳори» кўрик-танлов фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш кўзда тутилган.

Бу йўналишда ижодкор «Нишона» тўғараги аъзоларининг тўпламларини чоп этиш, «Бадий адабиётда тиббиёт» курсини ташкил этиш, «Заковот» ўйинлари ва бошқа кўпгина ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Булар муҳим масала бўлиб Муҳатарам, Президентимиз таъкидлаганларидек «Тарбия мукамал бўлиши учун бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди».

Ҳа, олдинда бизни кутаётган ишлар вазифалар анчагина. Аҳил жамоамиз билан биргаликда буларни муносиб бажарамиз деган умиддамиз.

## ЁРҚИН ВА КЎРКАМ



Таълим сифати кўп омиллارга боғлиқ бўлиб, улардан бири талабаларнинг яшаш шароитлари кўнгилдагидек бўлишига боғлиқ. Шу тўғрисида талабалар турар жойларидаги яшаш шароитларига қаратилган эътибор нақадар муҳим эканлигини англаш қийин бўлмаса керак.

Бу йили ёз ойларида талабалар турар жойларида таъмир ишлари кизиби, бу ишлар билан биргаликда қайта жиҳозлаш, хона ва коридорларни қайта безатиш ишлари ҳам жадал суратда олиб борилди. Маълумки, олийгоҳимиз ТТЖнинг сифими жами 220 нафар талабага мўлжалланган.

Талабалар турар жойига энг кам иш ҳақининг 40% миқдоридан 10 ой учун маблағ тўланади ва ижара шартномаси асосида расмийлаштирилади. Институтнинг 2019 йил 26 августдаги 658-сонли «ТошПТИ талабалар турар жойларига ҳолатини тартибга солиш тўғрисида»ги буйруғининг 5-иловасига биноан қабул қилинган мезон тартибида талабалар турар жойи таксимланади (чунки талабалар турар жойи етишмайди). Ҳозирги кунда талабалардан тушган аризаларга биноан 40 нафар талабага турар жой етишмаяпти.

Ҳар бир ТТЖда маиший техника талабаларнинг яшаши учун қуйидагича таъминланган: - ҳар бир талабалар турар жойида 6 тадан, жами: 12 та музлатгич, ҳар бир талабалар турар жойида 6 тадан, жами: 12 та кир ювиш мосламаси, ҳар бир қаватда 3 тадан, жами: 6 та телевизор ва керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

Ҳар бир талабалар турар жойида маълумот тахталарида навбатчилик жадвали, яшайдиган

талабалар рўйхати, барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Қайта таъмирдан сўнг талабалар турар жойлари ва ёруғ ва янада кўркам кўриниш касб этди. Коридор бўйлаб ҳикматли сўзлар ёзилган баннерларни кўриш мумкин. Шунингдек у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббуси бўйича кўргазмалар стендлар билан ҳам безатилган.

Кутубхона, дам олиш хоналари, интернет тармоғи, санузел ва кизлар хонаси, кир ювиш хоналари мавжуд, ҳар иккала талабалар турар жойларида совуқ ва иссиқ сув таъминоти талаб даражасида ишламоқда.

Талабаларнинг чой, овқат тайёрлашлари учун ошхонада ҳар бир талабалар турар жойида 6 тадан, жами: 12 та «Artel» газ плиталари ўрнатилган, тўшак ва чойшаблар билан таъминланганлиги талаб даражасида, чойшаблар ҳафтада бир марта алмаштирилади ва марказлаштирилган ҳолда ювилади.

ТТЖ жойлашган ҳудуднинг ободонлаштириш ишлари тизимли йўлга қўйилган бўлиб, талабалар дарсдан бўш вақтларида жадвал асосида тозалаш ва ободонлаштириш ишларини олиб боришади.

Шундай қилиб бу йил талабалар турар жойи ўз бағрига олган талабаларда яшаш, дарсларга тайёрланиш ва вақтни мазмунли ўтказиш учун ҳамма шароитлар мавжуд.

Уларнинг хавфсизлик чоралари кўрилмоқда.

Юнусобод тумани ИИБ ходими, профилактика инспектори М.Б.Рахимов ҳамда маҳаллий пост ИИБ ходимлари катта сержант С.М.Умаров, сафдор ходим А.Нишоннов институт ҳудуди ва талабалар турар жойларида жамоат тартибини сақлаш, фуқаролик хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш бўйича фаолият олиб боришади.

**М.А. Аҳмедова**

**Ёшлар билан ишлаш бўйича  
проректор**

## УЛУҒ ДАРГОҲ – ОЛИЙҒОҲ

**(Тошкент Педиатрия  
тиббий институтига  
бағишланади)**

*Ёш авлоднинг соғлиғига  
Мададкорлар маскани,  
Саломатлик соҳасига  
Фидокорлар маскани,  
Ҳар бир бола учун замхўр  
Шифокорлар маскани –  
Улуғ даргоҳ, олийгоҳ!*

*Бўлғуси ҳақимларни  
Яратар кошонасан,  
Юртимиз қудратидан  
Ажойиб нишонасан,  
Марказий Осиёда  
Биттасан, ягонасан –  
Улуғ даргоҳ, олийгоҳ.*

*Таълиму таҳсилнингдан  
Куч олади тиббиёт,  
Ривожу равнақ сари  
Йўл солади тиббиёт,  
Ўтса ҳамки замонлар,  
Зўр қолади тиббиёт –  
Улуғ даргоҳ, олийгоҳ!*

*Талабалар сафида  
Борлигимдан мамнунман,  
Маърифатда, бургуту  
Сорлигимдан мамнунман,  
Эзгу мақсуд, орзуга  
Ёрлигимдан мамнунман –  
Улуғ даргоҳ, олийгоҳ!*

**Даврон Акбаров**  
**Педиатрия факультетининг  
307-гуруҳ талабаси**



# КИТОБГА МЕХР УЙҒОТИБ

Юртимиз – бир харита, биз яшаётган туман, фаолият олиб бораётган институтимиз-унинг парчаси. Ўша парчада юртдаги ўзгаришлар акс этмоқда. Таълимга, ўқитувчи мавқеига эътибор эркин намоён бўлмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг китобхонликни ривожлантириш ҳақидаги фармойишлари ва ёшларни адабиётга қизиқтиришни ҳам ўз ичига олган биринчи ташаббуслари бўйича институтимиз раҳбарияти билан биргалликда талабалар учун «Бадиий адабиётда тиббий мавзу» танлов фани киритилгани талабаларимизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Асосийси юракни тарбиялаш керак, шунда ақлни тарбиялаш осонроқ кечади. Ҳа, айнан бадиий сўз ва образлар орқали чизилган шифокорликнинг масъулияти, уларнинг беморга берган умиди ва мадади янада таъсирчан, аҳамиятли бўлиши шубҳасиз. Бу таъсир бўлажак шифокорларга ўз устида ишлаш учун туртки бўлиши табиий. Чунки асарлар уларнинг беморга берган умиди ва мадади мўжизалар яратишини кўрсатади. Генрининг «Сўнгги япроқ» асаридаги бемор қизни ҳаётга қайтара олган чизилган сўнгги япроқ каби. Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» да юрак инфаркти билан шифохонада ётган бемор тузалгач докторга шифохонада абадият қонунини кашф қилганини айтади.

Унинг формуласи эса қуйидагича: Инсоннинг юраги танасидан юз баробар оғирроқ. Шу

даражада оғирки, уни бир киши кўтара олмайди. Бинобарин, биз одамлар токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз, бир биримизга мадад бўлишимиз керак. Сиз – менга, мен-унга, у-бошқага. Шу тариқа узлуксиз давом этиши лозим.

Адабиёт асарлари орқали танани даволовчи шифокорлар рухиятни даволашни ўрганадилар. Улар ижод қила бошлайдилар. Бизда қуйи босқич талабалари сабоқ олишади. Улар ҳали тўлалигича қайсидир тиббий касални даволашни билишмас, аммо виждонит, ҳасадит, дангасалик касалликлари клиникаси, патогенези, профилактикасию, асоратлари, даволаш усуллари ҳақида ўйлашади, шеър, ҳикоялар ёзишади, худди боболари ибн Синодек. Болалар учун яратилган бир кинода электр токи нималигини тушунмаган, физика фанидан доим икки оладиган болага мактаб етакчиси «Ғаройиб физика» китобини беради ва болакай ундан бош кўтармай қолади, натижада у аълочилар еча олмаган масалани ноодатий усулда ечиб, мусобақа ғолибига айланади. Биргина китоб уни шу фанга қизиқтириб, иккичилар қаторидан аълочилар қаторига кўшади.

Ўқувчию талабанинг ўз фанини билишда балки юқори баҳо олиш истаги роль ўйнаши ажабланарли ҳол эмасдир. Аммо ўқувчи ёки талаба учун мажбурий бўлмаган бадиий адабиётни ўқишга меҳр қўйдириш учун устоз нима қилиши керак? Ахир айнан бадиий адабиёт ёшлар-

нинг тарбиясида муҳим роль ўйнайди. У қалб тарбиячисидир. Албатта, бунда устоз ўз услубларидан фойдаланади.

Талабанинг руҳий ҳолатини, унинг имкониятларини билган ўқитувчи қийин ахволдан чиқиб кетишда ўзида куч топа олган қахрамонлар, қийинчиликни, қашшоқликни бошдан кечириб катта ютуқларга эришолган ва бадиий асар прототиپига айланган инсонлар ҳақидаги асарларнинг мазмунини эмас, шунга ўхшаш ҳолатлар ҳақида гапириб, бундай ҳолда инсон номига муносиб бўлиб ёки меҳнат орқали яна қандай оёққа туриш мумкин деган савол қўйиб, шу асарларни ўқисангиз, жавоб топасиз дейиши мумкин. Русийзабон талабаларга «Ўзбек тили» фанидан «Асаб касалликлари» мавзусини ўтганда Э. Воҳидовнинг «Асаблар» шеърини, шифокор маънавияти ҳақида гапирганда З. Мамажоновнинг «Гулхан атрофида ўтирганлар» асари билан боғлаб ўтиш айтиш мумки.

Сўнгги йилларда мустақил иш учун бадиий адабиёт асарларини вазифа қилиб бериш, «Фаол китобхон» каби танловлар, бу йўналишда турли учрашув, фестиваллар ўтказиш яхши анъанага кирди. Юртимиздаги ва институтдаги бу ҳайрли ишлар бардавом бўлади деган умиддаман. Чунки китобга меҳр қўйган ёшлар ўз юртининг ҳақиқий бунёдкорлари, фидойилари, баркамол авлод бўлиб етишиши шак шубҳасиз.

*Кавсар Турдиева*

## ШИФОКОРЛАР СУЛОЛАСИДАНМАН



Ушбу олийгоҳга қабул қилинган имни эшитганимда бошим осмонга етди.

Бу олий ўқув юртини танлашимга ва шифокор бўлишимга аҳд қилишимга эса оилам сабабчидир.

Оила эъзоларимнинг барчаси шифокорлардан ташкил топганлиги учун оиламизни шифокорлар сулоласи деб ҳам аташимиз мумкин. Бобожоним кўп йиллар

давомида стоматолог сифатида иш юритдилар, ҳозирда 75 ёшни қарши олганларига қарамасдан, ўз фаолиятларини давом эттирмақдалар. Бувижоним – машҳур педиатр. Бувимнинг қўлларини сеҳрли қўллар деб аташ мумкин, чунки бу қўллар минглаб гўдакларнинг дардига шифо бўлган. Бувим энди шифокор бўлиб ишлай бошлаган пайтларидаги бир қизиқарли воқеани эслаб айтиб бергандилар. Фаолиятларини энди бошлаганларида бир бемор даволанишга келган экан.

Ҳарорати баланд бемор келганида бувим истимасини улчашга иситима ўлчагич қўйганлар ва дори ёзиб берганлар. Кейин ҳамширага иситимасини кўриб ҳарорат ўлчагични «олиб қўйинг» десалар у бемор уйга кетиб қолиб, бир ҳафтадан кейин қайтиб келгач: «Дўхтир мен тузалдим, энди қўлтиғимдаги ҳалиги нарсани олсам ҳам бўладими» деганмиш.

Градусник нималигини одамлар ўша вақтда билмаганлар. Бугунги кунда тиббиётимиз шиддат билан ривожланмоқда

Отам Ақтамжон Қодиров, болалар шифохонасида жарроҳ бўлиб ишлайдилар.

Онам, Маҳфуза Абдуллаева, эса «Она ва бола скрининг маркази»да УТТ шифокори.

Отам ва онам ўз танлаган соҳасини жудаям яхши кўришади ва сидқидилдан хизмат қилишади.

Акам ва опам ҳам бўлажак тиббиётчилар. Улар Тошкент Тиббиёт академияси Урганч филиалида таҳсил олишмоқда.

Мен оиламдаги шифокорларга ҳавас қилдим ва келгусида улар каби моҳир шифокор бўлиб етишишда бор кучим, билимим, ва ғайратимни аямайман, чунки шифокорлар инсонлар дардига малҳам бўладилар.

*Авазбек Мамадиёров.*

*1 педиатрия 111-гурӯх талабаси*

## ҚУВНОК ВОҚЕАЛАР

### Бир куни...

Бир куни анатомия дарсида домла дарсни сураётган эдилар. Дугонам жавоб берар экан, ҳадеб китобга қарайверди.

– Китобингизни ёпиб, кейин гапиринг, - деди домла.

– Китобим ёпиқ турса гапиролмайманда! –баҳона килди дугонам.

– Унда китобнинг биринчи бетини очинг! -деди устоз.

### Итнинг миячаси

Гистология дарси эди. Домла дарсни сўраб бўлган, энди эса

микроскоп остидан препаратларни кўриб, улар қайси аъзо тўқималари эканлигини айтиш керак эди.


Ҳамма бирин-кетин микроскопга қараб, уз фикрини сўзлар эди. Охирида домла бунинг туғри жавобини айтарди. Домла препаратни олиб микроскоп остига қўяётганда бир талаба унинг номини кўриб олди. У жуда хурсанд эди. Домла бирин-кетин ҳамма талабаларга препаратни кўрсатиб, сўрай бошла-

ди. У бола эса тезда микроскоп олдига бориб қарадию, қўлини кутарди.:

– Домла, мен биламан бу препарат нималигини, – деди, -бу итнинг миячаси.

Шунда домла ҳайратланиб унга: «Бу препарат ҳақиқатдан мияча, лекин унинг итнинг миячаси эканлигини қаердан билдингиз?» -деди. Ҳамма кулиб юборди.

*Дилбар Одилова*

 <p><b>ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ</b> ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА</p>	<p><b>Тахрир кенгаши:</b> Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Ҳайдаров, М. Аҳмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, А. Валиев, А.А. Қудайбеганов, Б.М. Таджиев, С.С. Гулямов, Г. Усманова <b>Нашр учун масъул:</b> Г. Ашурова</p>	<p><b>Бош муҳаррир:</b> Б.Т. ДАМИНОВ <b>Тахрир хайъати:</b> (<i>ишчи гурӯҳ</i>) Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош муҳаррир ўринбосари), А.М. Маннонов, Д.А. Аҳмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатга олинган. Манзил: 700140, Тошкент-140, Боғишамол кўчаси, 223 Chor'pon nomidagi NMIU техник ва дастурий воситалари базасида chop этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -буюртма. Адади 100 нусха. Газета институт ҳисобидан нашр этилади ва bepул тарқтилади.</p>
---	---	---	---